



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ўзини
одамларга
ожиш, ночор
кўрсатишга
уриниш
виждон олдида
жиноят билан
баробардир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 12-sentyabr, shanba, 102 (23.382)-son

«Ургут» эркин иқтисодий зонаси:

ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, ИШ ЎРНИ ВА ДАРОМАД

«Ургут» эркин иқтисодий зонаси давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги фармони билан ташкил этилган. Саноат зонаси учун вилоятнинг 5 та ҳудуди – Ургут туманининг Мерганча, Сариктепа, Паст Дарғом туманининг Дўстлик, Нуробод туманининг Сазағон ва Самарқанд шаҳрининг Хишрав-2 массивидан 918 гектар ер майдони ажратилган.

– Ургут туманининг Сариктепа массивидаги 246 гектар майдонда икки йилда 272 миллион долларлик 49 лойиҳа ишга тушди ва 3300 га яқин аҳоли иш билан таъминланди, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Ойбек Ходжаев. – Ушбу корхоналар жорий йилнинг 7 ойида 554 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, 12,4 миллион долларлик товарларни экспорт қилди. Жорий йилда иқтисодий зонада қиймати 350 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 50 миллион долларлик экспорт амалга оширилиши белгиланган. Шу асосда ўтган йилда 270 миллион долларлик инвестиция киритилди. Шунингдек, 24 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан 78 миллион доллардан ортиқ сармоя киритилиб, корхоналарда



қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ушбу корхоналар фаолият бошлаши билан яна қарийб 1,4 мингга яқин иш ўрни яратилади. Қайд этиш лозимки, эркин иқтисодий зонада ишлаб чиқаришни ташкил этган тадбиркорга 3 йилдан 10 йилгача солиқ имтиёзлари берилади.

Бунинг учун аввало, юқори технологияга асосланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи, қўшилган қиймат яратувчи, маҳсулотни экспортбўлгани ва албатта кўпроқ иш ўринлари яратиладиган лойиҳалар танлаб олинади.

2-саҳифа >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 августдаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида жорий йилнинг сентябрь ойида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтار») киритилган оилаларнинг вояга етмаган болаларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланган.

Бир марталик моддий ёрдам пули

кимларга ва қай тартибда берилади?

Шунингдек, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси олувчи оилаларнинг вояга етмаган болалари ҳамда ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар моддий қўллаб-қувватланиши қайд қилинган.

Шу асосда олиб борилган ҳисоб-китоблар бўйича вилоятимизда 40 минг 274 нафар вояга етмаган ёшларга 20 миллиард 137 миллион сўм моддий ёрдам маблағлари ажратилган.

Рўйхатга олинганларнинг 12 минг 124 нафарини 16 ёшга тўлмаган ногирон болалар ташкил қилса, 28 минг 150 нафари боқувчисини йўқотган ўғил-қизлардир.

Ҳозирги кунда ажратилган моддий ёрдам пуллари АТ «Халқ банки»нинг сайёр касса ходимлари томонидан уйма-уй тарқатилмоқда.

Маблағнинг тўлиқ тарқатилаётгани пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси, шаҳар ва туман бўлимлари масъул ходимлари томонидан кунлик мониторинг қилиб борилмоқда.

Абдурашид РАҲИМОВ,
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи.

4100 кишидан 875 нафари ишга йўлланма олди

10 сентябрь куни Самарқанд шаҳридаги марказий истироҳат боғида бўш иш ўринлари «Меҳнат ярмаркаси» ташкил этилди. Унда вилоятдаги 240 корхона ва ташкилот 9308 та бўш иш ўринларини тақдим этди.



Меҳнат ярмаркасига шаҳар ва туманлардан 4100 нафардан ортиқ фуқаролар, жумладан ишсиз, камбағал оила вакиллари, ёшлар, хотин-қизлар, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келганлар жалб этилди.

Ярмаркада фуқароларга бўш иш ўринлари таклиф этиш билан бирга уларни касбга ўқитиш, ўзини ўзи банд қилиш, бу борадаги имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

– Хотин-қизлар учун 6 йўналишда бепул ўқув курслари ташкил этдик, – дейди «Сабр» ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази психолог Хилола Ҳабибова. – Ўқув курсларимизда қандолатчилик, сартарошлик, тиккувчилик каби ҳунар ўргатамиз. Шунингдек, тадбиркорлик ишларини бошлаши учун ҳам кредит олишларида ёрдамлашамиз.

МОНОМАРКАЗДА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ
Бугунги кунда вилоят бандлик бош бошқармасига қарашли

иккита касбга ўқитиш маркази мономарказга айлантирилиб, 7 йўналишда 17 касб ҳамда уч тил бўйича ўқув курслар ташкил қилинмоқда. Марказда ишсиз фуқаролар бандлик марказлари йўлланмалари асосида бепул касб ўрганиб, ўқиш даврида стипендия билан таъминланади.

– Бугунги кунда 5 касб бўйича 250 нафардан ортиқ фуқаро хунари ўрганмоқда, – дейди Боғишамол касб-хунарга ўқитиш маркази раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Акмал Эронов. – Айни пайтда марказни мономарказга айлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Мономарказ сифатида декабрь ойидан фаолиятимизни бошлаймиз.

Ярмаркада бўш иш ўринлари учун ташкил этилган баннерларда ҳар бир тумандаги маълумотлар келтирилган. Масалан, Пайариқ туманидаги бўш иш ўринларида энг юқори бундай иш ҳақи 2 миллион сўм бўлиб, тумандаги 16, 27, 60-мактаблардаги вакант директор вазифасига бериларкан. Энг кам иш ҳақи тумандаги 32, 36-сон МТМга хореограф вазифасига 0,16 ставка учун олий маълумотли ходимга атиги 152 974 сўм иш ҳақи тўланар экан. Энди ўзингиз ўйланг, бундай иш ҳақига яшаш учун ҳодим ўзига яна худди шундай бўш жойлардан 5-6 тасини топиши керак эмасми?..

Маълумотларга кўра, бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирок этган ишсиз фуқароларнинг 875 нафарига (280 нафар кам

таъминланган оиладаги иш қидирувчилар, 248 нафар ёшлар, 237 нафар хотин-қизлар) ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ ЭСКИРМАДИМИ?

Бизнингча, бундай меҳнат ярмаркалари туманларнинг ўзида ташкил этилса, янаям фойдалу бўлар эди. Сабаби – ишсиз, бунинг устига эҳтиёжманд оила вакиллари Самарқанд шаҳрига иш топиш учун келиб-кетилиши ўзи бўлмайди. Умуман, бугун бу каби меҳнат ярмаркаларини аввалгидек ҳисобот учун ёки хўжақўрсинга ўтказишдан наф йўқ. Бу билан ушбу тадбирларга нисбатан аҳолининг ишончини йўқотамиз, холос.



Кези келганда яна бир мулоҳаза: аҳолини бўш иш ўринларидан хабардор қилиш учун меҳнат ярмаркаларидан кўра, бу ҳақда интернет, ижтимоий тармоқлар орқали маълумот бериш тизимини оммалаштириш, ушбу йўналишга кўпроқ эътибор қаратиш фойдали эмасми? Бу турли оворагарчиликлар, иш берувчи ва иш изловчилар учун ортиқча сарф-харажатларга ҳам чек қўярмиди?..

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Брифинг

Вилоят матбуот уйида таҳдид ва зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя қилиш, тазйиққа дуч келган аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган ишларга бағишланган брифинг ўтказилди.

Зўравонликка учраган аёллар тақдири нима бўлмоқда?



Вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси хотин-қизлар масалалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Нилуфар Сатторованинг айтишича, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилган Ш.Каримовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми «Г» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, талаблики тергов ҳаракатлари олиб борилгангани билдирди.

Ш.Каримов 24 август куни ушланиб, суд қарори билан тегишли тартибда қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, – деди Д.Султонов. – Ҳозирда ижтимоий тармоқларда бу шахс қамқандан қўйиб юборилибди, эр-хотинни яраштириш чораси қўриляпти экан, деган асоссиз гап сўзлар тарқалмоқда. Ш.Каримовга нисбатан қўлланилган қамқон эҳтиёт чораси ўзгартирилмаган. Жиноят-процесуал кодекси талабларига кўра, ушбу жиноят ишини яраштириш билан тугатиш имконсиз. Бундан ташқари, жиноят иши қўзғатишга асос бўлган Жиноят кодекси моддалари бўйича ҳам турли фикрлар билдирилмоқда. Бу фикрларга жавобан шунини айтмоқчимизки, биз жиноят ишини дастлабки ҳолатига ҳам муносабат билдирилди.

Брифингга кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама этилаётган, Самарқанд шаҳрида яшовчи М.Ваҳобовага нисбатан эри томонидан ўтказилган тазйиқ ва зўравонлик ҳолатига ҳам муносабат билдирилди. – Бу қизимиз ва унинг фарзандлари ҳозирда вилоят ҳокимлиги ва бошқармаимиз ҳимоясига олиниб, унга зарур тиббий-ижтимоий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда, – деди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Сайёра Жумаева. – Ҳозирда бу оилани сақлаб қолиш ёки уларни яраштириш ҳақида ўйлаганимиз йўқ. Чунки, мавжуд вазият бунга имкон бермайди. Аксинча, вилоят ҳокимлиги унга

икки хонали уй ажратмоқчи. Самарқанд шаҳар ИИО ФМБ тергов бўлими бошлиғи Дамир Султонов мазкур ҳолат юзасидан маълумот бериб, хотинига нисбатан зўравонлик қилган Ш.Каримовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми «Г» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, талаблики тергов ҳаракатлари олиб борилгангани билдирди.

Ш.Каримов 24 август куни ушланиб, суд қарори билан тегишли тартибда қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, – деди Д.Султонов. – Ҳозирда ижтимоий тармоқларда бу шахс қамқандан қўйиб юборилибди, эр-хотинни яраштириш чораси қўриляпти экан, деган асоссиз гап сўзлар тарқалмоқда. Ш.Каримовга нисбатан қўлланилган қамқон эҳтиёт чораси ўзгартирилмаган. Жиноят-процесуал кодекси талабларига кўра, ушбу жиноят ишини яраштириш билан тугатиш имконсиз. Бундан ташқари, жиноят иши қўзғатишга асос бўлган Жиноят кодекси моддалари бўйича ҳам турли фикрлар билдирилмоқда. Бу фикрларга жавобан шунини айтмоқчимизки, биз жиноят ишини дастлабки ҳолатига ҳам муносабат билдирилди.

Пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Бугунги пахта йиғим-терим жараёнини кўнгилдагидек ўтказиш, мавсумда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва теримчиларга пандемия шароитида хавфсиз ва етарлича шарт-шароит яратиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Вилоят матбуот уйида тегишли соҳа мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

Бугун вилоятимизнинг айрим ҳудудларида пахта йиғим-терим ишлари бошланган бўлса-да, расман 25 сентябрдан мавсумга старт берилди. – Бу йилги пахта йиғим-терим ишларига 140 мингдан ортиқ аҳолини жалб этишимиз керак, – деди вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умид Маматов. – Теримчилар 18 ёшдан юқори, меҳнатга лаёқатли кўнгилдилардан иборат бўлиб, мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Вояга етмаганлар пахта йиғим-терим ишларига жалб этилмайди. Теримчилар билан уч томонлама меҳнат шартномаси тузилади.

Биринчи теримда қўлда терилган пахтанинг 1 килограмми 1000 сўмдан, иккинчи теримда 1400 сўмдан иш ҳақи тўланади. Терим пуллари ҳар 5 иш кунинда ёки ҳар кунни тарқатилади. Бундан ташқари, жойларда терим отрядлари ташкил этилади. Отряд раҳбари теримчиларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига жавобгар бўлади. Унга 2 миллион сўм иш ҳақи тўланади. Мавсумда жамоат назорати ҳам ташкил этилади.

Матбуот анжуманида соҳа ходимлари журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Сулаймон МАРДИЕВ.

Депутат анкетаси

1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига қиршилганми?
2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандай тадбир ўтказдингиз?
3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

Каттақўрғонда ҳам муаммолар бор

1. Каттақўрғон тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган дастури асосида 123 та лойиҳа бўйича 1067 та янги иш ўринлари яратилди. Округ миқёсида эса 26 та лойиҳа бўйича 241 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, "Mo'pinho'ja fayz barakasi" МЧЖда балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган қиймати 600 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Пиллани қайта ишловчи "Кумуш тола" хусусий корхонаси Жанубий Корея ва Хитойдан 1,5 миллион долларлик ипакли мато ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирди.

2. Сайловчиларим билан мунтазам учрашиб тураман. Ҳудудда дехқончилик, чорвачилик соҳасида катта таърибга эга фермер ва томорқачилар тўплаган тажрибаларни ҳамда бозор талабларини ўргандик. Мундиён маҳал-



ласи аҳли билан учрашганимда томорқа ерларини суғоришда, Таварон маҳалласида эса интернет хизматлари сифатини яхшилаш, Қумоқ маҳалласида ички йўлларни, Мўминхўжа маҳалласида болалар боғчасини таъмирлаш бўйича муносабатлар тушди.

3. Бу борада депутатлик сўрови юбормаганман, лекин туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар билан зарур чора-тадбирлар белгилдик.

Нигора РАБИМОВА,
30-Каттаминг сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати.

«Ургут» эркин иқтисодий зонаси:

ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, ИШ ЎРНИ ВА ДАРОМАД

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ГИЛАМЛАР АҚШ ВА ЯПОНИЯГА ҲАМ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

"ҲЕС гиламлари" корхонаси ана шундай талаблар асосида танлаб олинган иқтисодий зонадаги дастлабки корхоналардан бири ҳисобланади. Умумий қиймати 21 миллион еврога тенг бўлган корхонада 600 га яқин иш ўрни яратилган. Бу ерда ўрнатилган битта ускуна ёрдамида кунига 1,5 минг квадрат метр ип тўқилади.

- Гранулали қайта ишлаб, йилига 2 миллион 600 минг квадрат метр гилам маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз, - дейди корхона таъсисчиси Жамолдин Салоҳиддинов. - Гилам тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда грануладан ип тайёрланади ва бу жараённинг ўзи уч турга бўлинади. Иккинчи босқичда гилам ишлаб чиқариш учун 8 хил рангдан фойдаланилади. Тайёр бўлган ипдан 15 дан ортиқ турли дизайндаги гиламлар тўқилади. Ҳозиргача маҳсулотимизни 9 давлатга экспорт қилаётган бўлсак, яқинда



АҚШга гилам етказиш борасида шартнома тузилди. Шу пайтгача кунчиқар юртва Ўзбекистондан бундай маҳсулот экспорт қилинмаган экан, гиламларимизни Японияга сотишни бошладик. Кейинги йил яна битта линияни

ишга тушириб, қўшимча 60 та иш ўрни яратмоқчимиз.

ГАЗ ПЛИТА УЧУН 137 КОРХОНА ОЧИШ МУМКИНИ?

Эркин иқтисодий зонадаги энг истиқболли корхоналардан бири "IDEAL ELECTROLUX" қўшма кохонаси ҳисобланади. Корхона раҳбари Соҳиб Азимов дастлаб маиший техника воситаларини чет элдан келтириб сотиш билан шуғулланган. Кейинчалик бундай замонавий техника воситаларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

- Юртимизда тадбиркорлар учун қулай инфратузилма яратилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан шу ерда маиший техника воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, - дейди С.Азимов. - Корхонамизда биринчи йўналишда музлаткич, телевизор, электр печь, газ плита ва бошқа маиший техника воситалари ишлаб чиқарилапти. Маҳсулотимизни ички бозордан Озарбайжон, Афғонистон ва Россияга экспорт қиляпмиз. Пандемия даврида 500 минг долларлик маҳсулот сотдик, йил якунигача бу кўрсаткичи 1,5 миллион долларга етказмоқчимиз. Ҳозирда ҳамкор давлатлардан маҳсулотимизга талаб анча ортди. Шу талабга яраша таклиф этаётган маҳсулотимизнинг сифати яхши, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш учун ҳаракат қиляпмиз.

Ҳозиргача корхонамизда 50-65 фоиз маҳсулот маҳаллийлаштирилди. Биз каби корхоналар фойдаланган металл хомашёси ўзимизда ишлаб чиқарилса,



натижани янада яхшилаш имкони яратилади. Масалан, биргина газ плита учун 137 хил хомашё ишлатилади. Бу эса 137 та корхона очиш мумкин, дегани. Агар республикада шу йўналишдаги корхоналар иқтисоддан очилса, камида 250 та корхона бўлади. Бу маиший техника бозорида жуда кучли рақобат яратлади.

1,2 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Жорий йилнинг ўтган 7 ойида эркин иқтисодий зонада қиймати 9,8 миллион долларлик текстиль, пойабзал, маиший техника воситалари ишлаб чиқариши йўналишида 8 та лойиҳа ишга тушди. Йил якунигача яна 8 та корхонада 750 дан ортиқ иш ўрни яратилиши, 307 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 6,6 миллион долларлик экспортни амалга ошириш кутиляпти. Бу билан йил якунигача иқтисодий зонада амалга оширилган лойиҳалар сони 57 тага етказилади, иш ўринлари 4 мингдан ортди. Ишлаб чиқариш қувватлари 1,2 триллион сўмга етиши ва 40 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кутиляпти. Истиқболда эса импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган янги лойиҳаларни ўрганиш ва жойлаштириш режалаштирилган.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ФҲДЁ БЎЛИМЛАРИ:

Ўзгаришлар нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июндаги "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ФҲДЁ органлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилган бўлса-да, уларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган.

Бу билан аҳолига тезкор ва шаффоф хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Тиббиёт муассасалари билан электрон тизим йўлга қўйилиб, туғруқхонада бола туғилса, электрон равишда ФҲДЁ бўлимига она ва бола ҳақидаги маълумотлар келиб тушади. Вафот этган шахслар ҳақидаги тиббий маълумотлар тиббиёт муассасалари томонидан электрон равишда юборилади.

ФҲДЁ бўлимида ундирилаётган тўловлар учун автоматлаштирилган «Биллинг» тизими жорий этилди. Мазкур тизим маблағлар ҳам расмий банк ҳисоб рақамларига тушиб, ортиқча тўловларнинг олдини олишга хизмат қилади, яъни, пул тушувлари билан боғлиқ манипуляциялар юзга келмайди, шаффофлик таъминланади.

Шунингдек, фуқаролар учун электрон ва онлайн қабуллар ташкил этилди (илгари фуқаро ярим кун, ҳаттоки бир кун кутиш ҳоллари бўлган.)

ФҲДЁ бўлимида барча турдаги аризалар ходим томонидан туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ва бошқа турдаги гербли гувоҳномалар ҳам электрон тўлдирилмоқда. Барча турдаги далолатнома ёзувлари "ФҲДЁ Ягона электрон дастури" ахборот тизимига киритилади. Республиканинг ФҲДЁ бўлими, вилоят ФҲДЁ архивларидан туғилганлик қайд этилмаганлиги, никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотларни (71-шакл) экстерриториал тартибда давлат хизматлари марказлари орқали олиш тартиби жорий қилинди.

НИКОҲ ВА АЖРАЛАНЛИК ҲАҚИДА АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎЛИҚ РАҚАМЛАШТИРИЛДИ

Вилоятимизда мавжуд 5 миллион 937 минг 150 та далолатнома ёзувларининг 4 миллион 814 мингдан ортиги рақамлаштирилиб, «ФҲДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизимига киритилди. Никоҳ ва никоҳдан ажралганлик ҳақида архив ҳужжатлари тўлиқ рақамлаштирилгани боис, ушбу маълумотларни онлайн тарзда олиш имконияти пайдо бўлди.

1 сентябрдан битта тугма орқали 6 та ҳаракат амалга оширилади. Масалан, боланинг туғилишини қайд этмоқчи бўлсангиз бирдан тиббиёт муассасасадан туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома олиш, бола туғилишини қайд этиш, болалар поликлиникасида болани рўйхатга қўйиш, бир марталик бола нафақасини тайинлаш, яшаш жойи бўйича болани рўйхатга қўйиш ва болани болалар боғчасига қўйиш мумкин.

ФҲДЁ БЎЛИМ МУДИРИ БЎЛИМ БОШЛИГИГА АЙЛанаДИ

ФҲДЁ архивларидаги архивариус лавозимлари 1- ва 2-тоифали инспектор лавозимларига ўзгартирилиб, ходимларнинг ойлик иш ҳақи оширилади. Туман (шаҳар) ФҲДЁ бўлиmlарини малакали кадрлар билан таъминлаш ва ходимларни аттестациядан ўтказиш чоралари кўрилмақда.

ФҲДЁ органлари ходимларининг мартаба даражаси ва кўп йиллик хизмати учун устамалар миқдори оширилиб, адлия органлари ходимларига тўланадиган устамаларга тенглаштирила-

ди. Ушбу бўлиmlарнинг туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига бўлган даври мартаба даражаси бериш ва устамаларни тўлаш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

ФҲДЁ органлари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитларига кўра, агентликнинг ҳудудий бошқармалари бўлим бошлиғига тенглаштирилади. Шунингдек, 1-тоифали инспектор - бош мутахассисга, 2-тоифали инспектор - етакчи мутахассисга тенглаштирилиши кўзда тутилмоқда.

Надира МИРМУҲАМЕДОВА,
Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармасининг бош маслаҳатчиси.

Б олалигимда ҳар ёз фаслида бувимларниқига борардик. Эсимда, қиши билан жундан ип йиғириб калава қилган бувим кунлар исиши билан уларга ранг бериб, катта ёнғоқ тагида ўрмак қуради. Рангли ипларни камалак мисол териб чиққач, ширин бўғирсоқлар билан биз болаларни сийлаб, гилам тўқишни бошларди. Совуқ тушгунча келинлари ва қўшни аёллар ёрдамида 4-5 гиламни тўқиб битказарди.

Нурободда қўлда гилам тўқиш маркази очилади



- Момом ва онам гилам тўқиб рўзгор тебратишган, - дейди Нуробод тумани Олга қишлоғида яшовчи Хосият Жўраева. - Бугун ҳам деярли барча хонадонларда гилам тўқиш дастгоҳларини учратиш мумкин эди. Кимдир бу хунар орқали оила тебрата, кимдир рўзғорда фойдаланган. Қизлар ўз сепини ўзлари тўқиган гилам ва поёндозлар билан безаган.

Бувим тўқиган қоқма гиламларни такомиллаштириб, олти киши бирдан тўқийдиган дастгоҳлар қураганимиз. Гиламнинг дарахтча, чинақай, тароқча, еттитақча, атлас нухсалари харидордир. Айниқса, чинақай гиламларимизга қизиқиш катта. Бу гилам майда каттақчалардан иборат бўлиб, тўқиш бироз қийинроқ. Лекин ўзига хос жимжимадор. Битта 4 метрга 2 метр чинақай гилам тўқиш учун тахминан 20 кило қора, жигар, оқ рангли жун, бўёқлар сарфланади. Кейинги пайтда жуннинг нархи ҳам қимматлашган. Масалан, оқ жун 35 минг сўм туради. Битта гиламни 6 киши 5-6 кунда тўқийди. Ушбу гиламларга ўртача 700 минг сўм харажат қиламиз, 1 миллион 200 минг сўм атрофида сотамиз. Маълум вақт бу гиламларга эҳтиёж пайсади. Кетган харажатингизга ҳам оладиган харидорлар йўқ эди. Аммо шунақа қийин вазиятда ҳам хунаримни ташлаб қўймадим.

Яқинда банкдан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тўқув дастгоҳлари, жун ва бўёқ сотиб олдим. Маҳалламиздаги 6 нафар хотин-қизларни иш билан таъминладим. Ҳам хунар ўрганапти, ҳам рўзғори обод бўляпти. - Туманимизда 7 нафар устоз гиламчиларимиз бор, уларга 30 нафар

қишлоқларимизда гиламчилик анъаналари ривожланиб, улар тўқиган гиламлар бугун ўз харидорларига эга, ҳатто чет эллик сайёҳларнинг ҳам эътиборига тушган. Хунармандларимизга қулайлик яратиш мақсадида уюшмамиз қошида "Қўлда гилам тўқиш маркази"ни ташкил этмоқчимиз. Бу ерда устоз-шогирд анъаналарига кўра, моҳир гиламдўзлар ёшларга ўз хунарини ўргатиш билан бирга маҳсулотни сотиш имкониятига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари қарорига кўра, қўлда тўқилган гиламларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизига миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилиши, 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Тошкент шаҳрида қўлда тўқилган шарқона гиламлар (Hand-made Oriental Carpets) халқаро фестивали ўтказилиши, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида туристлар ташриф бурядиган маданий мерос объектлари ҳудудларида қўлда тўқилган гиламлар кўргазма-савдо расталари (дўконлари) ташкил қилиниши белгиланди.

Шунингдек, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилиш учун харажатларга - ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорда субсидиялар ажратилиши ҳам гиламчиликни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

ёшлар шогирд тушиб, касб сирларини ўрганмоқда, - дейди "Хунармандлар" уюшмаси Нуробод туман бўлими раҳбари Гулшан Мирзаева. - Камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 7 нафар аёл гиламчилик хунарини ўрганиш истагини билдирган. Тим, Араб ота, Жом каби

ёшлар шогирд тушиб, касб сирларини ўрганмоқда, - дейди "Хунармандлар" уюшмаси Нуробод туман бўлими раҳбари Гулшан Мирзаева. - Камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 7 нафар аёл гиламчилик хунарини ўрганиш истагини билдирган. Тим, Араб ота, Жом каби

ёшлар шогирд тушиб, касб сирларини ўрганмоқда, - дейди "Хунармандлар" уюшмаси Нуробод туман бўлими раҳбари Гулшан Мирзаева. - Камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 7 нафар аёл гиламчилик хунарини ўрганиш истагини билдирган. Тим, Араб ота, Жом каби

ёшлар шогирд тушиб, касб сирларини ўрганмоқда, - дейди "Хунармандлар" уюшмаси Нуробод туман бўлими раҳбари Гулшан Мирзаева. - Камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 7 нафар аёл гиламчилик хунарини ўрганиш истагини билдирган. Тим, Араб ота, Жом каби

ёшлар шогирд тушиб, касб сирларини ўрганмоқда, - дейди "Хунармандлар" уюшмаси Нуробод туман бўлими раҳбари Гулшан Мирзаева. - Камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 7 нафар аёл гиламчилик хунарини ўрганиш истагини билдирган. Тим, Араб ота, Жом каби

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

ШАХС ВА ЖАМИЯТ

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Яъни, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини ошириш учун тизимни янада ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Иқтисодий судларда нима ўзгаради?

Фармонга мувофиқ, амалга оширилаётган энг муҳим ўзгаришлардан бири 2021 йил 1 январдан вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича ва иқтисодий судлар негизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг ташкил этилишидир.

Ўз навбатида вилоят фуқаролик, жиноят ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашуви сақлаб қолинади.

Фармонда Амударё, Бойсун, Нуробод ва Паст Дарғом туманлари иқтисодий судларини тугатиш назарда тутилган.

Қайд этилган иқтисодий судларнинг иш ҳажми, тумандаги хўжалик юритувчи субъектлар сони ва барча аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ таҳлил қилиниб, асосли тўхтамга келинган. Негаки, жорий йилнинг олти ойида Нуробод тумани иқтисодий судида 55 та иш кўриб чиқилган. Иш ҳажми ойига ўртача 9 тани ташкил қилади, шу сабабли, Нуробод ва Паст Дарғом туманлари учун хизмат қилувчи ягона Паст Дарғом туманлараро иқтисодий судининг ташкил этилиши тадбиркорлик субъектлари учун ноқулайлик туғдирмайди.

Фармонда яна муҳим янгилик сифатида, Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга

оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибининг тузилганлиги инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари учун муҳим янгилик бўлди.

Яъни, судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилди. Инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши, қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Инвестиция билан боғлиқ низоли ҳолатлар юзага келганда мазкур низолар республиканинг Олий суд судлов таркиби томонидан кўриб чиқилиши чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари одил судловнинг ҳимоясида эканлигини яна бир бор исботлайди.

Ойбек АСАТОВ,
вилоят иқтисодий суди раиси вазифасини бажарувчи.

Ерни ноқонуний ўзлаштириш ҚИММАТГА ТУШДИ

Бўлимимиз ходимлари томонидан Ер кодекси ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг-таҳлил тадбирлари давомида ер ресурсларидан қонунга зид тарзда фойдаланиш, ўзбошимчилик билан ўзлаштиришга оид қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Хўжаюз маҳалласида яшовчи 3 нафар фуқаро ҳеч қандай ҳужжатсиз "Мусоҳон Зиёҳон" фермер хўжалигига ижарага берилган сўғориладиган майдонни ўзбошимчилик билан эгаллаб, ноқонуний равишда уй-жой қурган. Ноқонуний қурилма оқибатида давлатга 43 миллион 358 минг 773 сўм зарар етказилганлиги маълум бўлди.

Ҳолат бўйича Тойлоқ туманларо фуқаролик суди жавобгарлар ҳисобидан давлат фойдасига 43 миллион 358 минг 773 сўм миқдорда етказилган зарар ва давлат божи ундирилишини белгиледи.

Фурқат УМИРОВ,
"Агроинспекция"нинг Тойлоқ тумани бўлими бошлиғи ўринбосари.

Бутун дунёдаги каби юртимизда ҳам коронавирус пандемияси туфайли кўплаб соҳалар, айниқса туризм соҳаси иқтисодий танг аҳволда қолди.

Сайёҳлик ташкилотлари ссуда олмоқда

Ушбу ҳолатда соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга асосан меҳмонхона ва турсоператорлик ташкилотларига фозисиз, мақсадли ссудалар, гидлар, хўнарандлар, овқатлашни шохобчалари учун грантлар ажратилиши белгиланган.

Пандемия даврида соҳага 12 турдаги имтиёзлар, грантлар, субсидиялар ва ссудалар ажратилиши белгиланган, - дейди вилоят туризми ривожлантириш департаменти раҳбари Дилшод Нарзиқулов. - Хусусан, низога мувофиқ ссуда жойлаштириш воситаларига ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоридан ва турсоператорлар учун 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фонднинг уч бараваридан ошмайдиган миқдорда бир марталик 12 ой муддатга фақат ташкилотнинг бевосита штатлар жадвалига киритилган ходимларнинг иш

ҳақини тўлаш ажратилади.

Мазкур имтиёздан фойдаланиш мақсадида бугунги кунга қадар 268 та тадбиркорлик субъекти томонидан 7 миллиард 299 миллион сўм миқдорда ссуда олиш истаги билдирилган. Шундан 36 та тадбиркорлик субъектининг 1 миллиард 525 миллион сўм ссуда олиш бўйича ариза ва ҳужжатлари туризми ривожлантириш давлат қўмитасига топширилган. Ушбу тадбиркорлик субъектларидан 7 тасига 320 миллион сўм миқдорда ссуда ажратилиб уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди. Қолган тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатлари кўриб чиқилмоқда. Бугунги кунда 232 та тадбиркорлик субъектлари томонидан ссуда олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Вилоятда фаолият олиб бораётган жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматларини (меҳмонхона хизматлари 10 фои) субсидиялаш бўйича эса 20 та тадбиркорлик субъектлари томонидан 105 миллион 560 минг сўмлик субсидия учун зарурий ҳужжатлар тақдим этилган.

Жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сендвич

Вилоят ҳокимининг тегишли қарорига асосан жорий йилнинг 10 августидан барча шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимларида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга саралаш ишлари бошланди.

Йигитлар ҳарбий хизматга сараланмоқда

Қайд этиш ўринлики, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунга асосан муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чакируви резервидаги хизматга 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Куролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чакирилади.

Шақирилувчилар тиббий гувоҳлантиришдан ўтказилиб, ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсиз эканлиги аниқланади. Махсус диспансерларда (сил, наркологиya, теория-таносил, психодиспансер) ҳисобда турадиган ва оғир касаллар

ҳарбий хизматга олинмайди.

Айни кунларда йигитлар орасидан муносибларини саралаш учун умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мақсадида умумжисмоний меъерий кўрсаткичлар қабул қилинган. Яқка тартибда суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозим, қонунга кўра, жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга қақирилмайди.

Урта махсус ва олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида ўқиётган йигитларни ҳарбий хизматга қақирилиш муддати ўқишни тамомлагунарлига қадар кечиктирилади. Бошқаларнинг муддатли ҳарбий ёки сафарбарлик чакируви резервидаги хизматга қақирилиш муддатини кечиктириш шаҳар ёки туман чакирув комиссиясининг қарори асосида амалга оширилади.

Шақирилувчиларни саралаш жараёнарли 2021 йил 10 февралига қадар давом этади.

Ф.АЛИМХОЖАЕВ,
вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи.

Акбар МУҲАММАДИЕВ



Оқдарё туман халқ таълими тизими оғир жудодилка учради. Шафқатсиз ўлим бутун умрини халқ таълимини ривожлантиришга бағишлаган фидойи инсон, ташаббускор, ташкилотчи раҳбар Акбар Муҳаммадиевни орамиздан олиб кетди.

Акбар Муҳаммадиев 1947 йилда Оқдарё тумани Холдор қишлоғида туғилди. У ёшлигидан илмга, санъатга меҳр қўйди. Мактабни битириб, Низомий номидаги Тошкент педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)нинг мусика факультетига ўқишга кирди. Ўзбекистон халқ артисти Фахриддин Умаровга шогирд бўлди. Бу инсоннинг қўшиқларини куйлаб, элга танилди.

Институтни муваффақиятли битиргач, меҳнат фаолиятини Лойишдаги 7-сон болалар мусика ва санъат мактабида ўқитувчиликдан бошлади. Ўз соҳасини чуқур билиши туфайли унинг шогирдлари вилоят ва республика миқёсидаги турли танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Шу боис, кўп ўтмай уни мусика мактаби директорлигига тайинлашди.

А.Муҳаммадиев мактаб директори сифатида жамоага истеъдодли, билимли кадрларни жалб қилди, бу ерда мусика сирларидан сабоқ олаётган ёшларни доимий равишда рағбатлантиришга эътибор қаратди. Шундан сўнг бир неча йил туман марказий маданият уйи директори, туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатди.

Бундан ташқари, А.Муҳаммадиев 16- ва 46-мактабларга раҳбарлик қилиб, ушбу муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг чуқур билим олиши учун астойдил ҳаракат қилди. Ўлди шогирдлар тайёрлади.

Ташаббускор раҳбарнинг хизматлари эътироф этилиб, "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўрқак нишони, Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

Кейинги йилларда пенсияда бўлишига қарамай маҳалладаги ободонлаштириш ишлари ва байрам тадбирларда фаол иштирок этиб келаётганди.

Таҷрибали раҳбар, садоқатли дўст, самимий ва фидойи инсон Акбар Муҳаммадиевнинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу яшайди. Охиратингиз обод бўлсин, устоз!

Оқдарё тумани халқ таълими бўлими,
16- ва 46-мактаблар жамоаси.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

"KATTAQO'RG'ON SHAHAR SHAROB SAVDO" масъулияти чекланган жамияти директори лавозимига номзод танлаб олиш учун танлов эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 26 августдаги 4100/03-08-сонли топшириғига асосан "KATTAQO'RG'ON SHAHAR SHAROB SAVDO" масъулияти чекланган жамияти ягона таъсисчиси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан "KATTAQO'RG'ON SHAHAR SHAROB SAVDO" масъулияти чекланган жамияти директори лавозимига номзодларни танлаб олиш учун танлов эълон қилади.

Талабгорлар, хорижий менежерлар, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ кўрсатилган номзод учун, номзодлар кўрсатиш ваколатига эга шахслар ўзларининг номзодлари бўйича таклифларини 2020 йил 25 сентябрга қадар Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига тақдим этишлари мумкин.

Ҳужжатларни юбориш учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 140100 Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 1-“А” уй, 6-қават Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига.

Танлов бўйича қўшимча маълумотлар учун:
Телефон/факс
(+998 66) 233-73-54, (+998 91) 557-56-42
Ҳудудий бошқарма веб-сайти: samdavaktiv.uz
Электрон почта манзили: samarqand@jdavaktiv.uz

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Иштихон туманидаги 72-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Тиркашев Алим Ғулом ўғли номига берилган У 6885634 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Холиқова Гулчехра Абдусатторовна номига берилган О' R-A № 1478655 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 21-ўрта мактабдан 1991 йилда Исомадина Дилноза Пардаевна номига берилган В № 342885 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 21-ўрта мактабдан 1993 йилда Исомадина Дилноза Пардаевна номига берилган АУ № 149306 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 49-ўрта мактабдан 1992 йилда Сафаров Муродулла Исмагуллаевич номига берилган А № 173352 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ саноат ва сервис касб-хўнара коллежидан 2016 йилда Холбоев Бахром

Валибой ўғли номига берилган рўйхат рақами 75, К № 4268631 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейдан 2017 йилда Бекмуротов Бехруз Аллаёр ўғли номига берилган рўйхат рақами 022, Л № 304489 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 11 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган "OQDARIYO AGROTEXSERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 301805490) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказидан 2015 йил 28 июнда Исматова Мафтун Исмаиловна номига берилган рўйхат рақами 1217, QT № 031182 рақамли қайта тайёрлов дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан Кадилов Ибодуллога қарашли Самарқанд тумани «Хай-мариболо» маҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари ўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Пайариқ туманидаги «ZOKIRJON SADRIDDIN SERVIC» хусусий корхонаси (СТИР: 305593461) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «ZOKIRJON SADRIDDIN SERVIC» оилавий корхонасига ўзгартирди. «ZOKIRJON SADRIDDIN SERVIC» оилавий корхонаси «ZOKIRJON SADRIDDIN SERVIC» хусусий корхонанинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Тўполос» маҳалласи, Қозоққўжа қишлоғи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Эргаш Латыповга (2010 йил 15 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темир кўчаси, 36-уй.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳақимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Гадай Якубовга (2018 йил 4 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳақимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишлари

рени сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Нодирабеғим кўчаси.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Примкулов Элмурод Эргашевичга (2019 йил 20 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Турдиева Турдигул Шодияровнага (2019 йил 23 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй

Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти маъмурияти ва жамоаси, институт илмий котиби, қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Зафар Қиличевга отаси **САФОР ҲОЖИБОБОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

МАЪРИФАТ


МЕНИНГ ДОРИЛФУНУНЛАРИМ

Эътироф

1967 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд давлат университетининг роман-герман филологияси факультетига ўқишга кирдим. Факультетимизда академиклар, профессорлар, таниқли олимлар фаолият кўрсатарди. Биз хорижий тиллар факультети талабаси бўлсак-да, академик Воҳид Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» фанидан лекцияларига қатнашиб турардик. Ёки таниқли тилшунос олима, профессор Ю.Авалиянинг жаҳон тилшунослиги ва фразеология илми бўйича ўқиган маърузалари биз ёшларни илмга жалб этарди.

нинг француз филологияси кафедраси доценти вазифасида ишлардим. Бир куни ректор чақиртирди. Домланинг хузурига бордим, ҳурмат билан кутиб олдилар-да «Сиз москвалик академик Н.Балашевнинг шогирдимисиз? Неча ёшдасиз, қайси кафедрада ишлайсиз?», деди. «35 ёшданам, француз филологияси кафедрасида ишлай-

кенгашининг аъзоси бўлиб ишладим. 1999-2005 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти француз филологияси факультети декани ва кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатдим. Бир муддат Москва давлат очик университетида лекциялар ўқиб, 2006 йил сентябрдан Жиззах давлат педагогика институти инглиз тили ва адабиёти кафе-



ТАХРИРИЯТДАН: Мухаммаджон Холбеков Самарқанд адабий муҳитида камол топган ва таржимашунослик бўйича ўз мактабини яратган олим. Уни хорижда ҳам билимдон адабиётшунос сифатида тан олишади.

Мухаммаджон ака қирқ йилдан бери «Зарафшон»нинг фаол муаллифларидан бири. Ўзги таржималар, таржима санъати мавзусидаги долзарб мақолалари билан қатнашиб туради.

Изланувчан, заҳматкаш олим бугун 70 ёшга тўлди. Мухаммаджон акани ушбу табаррук ёши билан муборакбод этамиз. Устозга фарзандлар ва шогирдлар камолини кўриб юриш насиб этсин!

чанқоклигини кўриб турибди. Сени тўрт ойга Москва давлат университети (МДУ)га илмий стажировкага юборсам нима дейсан?», дедилар. Мен ҳаяжон билан «Раҳмат, домла, ишончингизни оқлайман, илмий иш қиламан», дедим. Шундай қилиб, тўрт ой МДУнинг француз филологияси кафедрасида малака оширдим ва 1982 йилда «Француз бадиий адабиёти ўзбек тилида (таржима тарихи ва амалиёти мисолида)» мавзусида номзодлик диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилдим.

1983 йил бўлган бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Самарқанд давлат чет тиллар институти мажлислар залида Алишер Навоий ижодига бағишланган илмий конференция бўлди. Конференцияни академик Воҳид Абдулла бошқарарди. Мен «Ҳазрат Алишер Навоий шеърини француз тилида ҳам ўқиса бўларкан-ку. Яшавор, тулпор! Навоийнинг руҳи қўлласин», дея дуо қилдилар.

1985 йил СамДУга йирик математик олим, ЎзФА академиги Шавкат Алимов ректор бўлди. Уша пайт университет-

ман», дея жавоб қайтардим. «Фан доктори бўлишни хоҳлайсизми?» дея яна савол берди ректор. Мен «Ҳа» ишорасини қилгач, «Сизни докторантурага юборамиз, аризангизни ёзинг», деди.

1986 йилнинг сентябрида Москвадаги жаҳон адабиёти институти (ИМЛИ)нинг докторантурасига қабул қилиндим. 1989 йилда академик Н.Балашев ва профессор Н.Владимирова консультантлигида докторлик диссертациясини ёздим. Аммо «қайта қуриш» деган алфав-далғов йиллар бошланиб, уни ёқлаш жуда қийин бўлди. Ниҳоят 1991 йилнинг охирида таниқли драматург Иззат Султон бошқариб борган илмий кенгашда докторлик диссертацияни ёқладим.

1992 йилда Тошкентда академик Б.Тошмухаммедов раҳбарлигида Олий аттестация комиссиясини ташкил этишда қатнашдим.

Уша йили СамДУга таниқли физик олим, академик Толиб Мўминов ректор бўлди. У кишининг ташаббуси билан чет тиллар факультети қошида «Жаҳон адабиёти кафедраси» очилди. 1992-1998 йиллар университетда кафедра мудири, филологик марказ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, факультет декани, филология йўналиши бўйича ҳимоя

драси мудири, профессор лавозимларида ишладим. Айни пайтда Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қарши давлат университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёш тадқиқотчиларга раҳбарлик қиламан. Фаолиятим давомида 16 нафар фан номзоди ва 2 нафар фан доктори тайёрладим. Ҳозиргача ўнлаб илмий рисолаларим, 200 дан ортиқ мақолаларим эълон қилинди. Француз адабиётини қилган таржималарим нашр этилган.

Университетда академик Ботирхон Валихўжаев, профессорлар Нуриддин Шуқуров, Сайдулла Мирзаев, Раҳим Муқимов, Раҳматулла Қўнғуров, Назар Ражабов, Мелиқул Нушаров, Бекмурод Йўлдошев, Х.Умуров, А.Бўшуй, И.Турниязов, Ш.Сафаров, С.Каримов, И.Мирзаев каби олимлар билан ёнма-ён ишлаганим, ишлаётганимдан фахрланиб юраман. Умуман, СамДУ, МДУ, ИМЛИ каби илмий даргоҳлар бағрида олимлик мартабасига эришдим. Устозларим ва менга таълим-тарбия берган дорилфунунларимга ҳамisha таъзимдаман.

Мухаммаджон ХОЛБЕКОВ, филология фанлари доктори, профессор.



Самарқанд илмий мактабини дунё тан олган

Тарихга назар ташласак, Ўрта Осиёда XIV-XV асрларда маданий ҳаёт энг юксак чўққига кўтарилган. Бундай тараққиёт нафақат Турон заминида, шунингдек, усмонли турк давлатида ҳам кузатилган. Усмонли подшоҳлари ўз атрофида олим-у фузалоларни тўплаб, илм аҳлига ҳомийлик қилганлар.

Бу даврда ривожланган фанлардан бири риёзиёт – математика эди. Шунингдек, усмонли мадрасаларининг энг олий даражадагиси сифатида қабул қилинган «Ҳасия-и Тажрид» мадрасаларида ҳисоб ва ҳандаса – геометрия билан космография каби фанлар ўқитиларди.

Темурийлар салтанати ва сулоласининг муносиб давомчиси шоҳ ва олим Мирзо Улуғбекнинг фожали вафотидан сўнг унинг сеvimли шогирди Али Қўшчи Истанбулга келган пайтда бу мадраса дарсларидан бошқа алоҳида бир курс очиб риёзиётдан дарс бера бошлайди. Ҳатто Синан Пошо Али Қўшчидан риёзиёт ўрганиш учун шогирдларидан Токатли Мулла Лутфини юборарди. У эса Али Қўшчидан ўрганганларини устози Синан Пошого ўргатиб боради. Бу ҳақда «Шақойиқи Нўмония»да «Мавлоно Синан Пошо шу тарика илми риёзиётни ўрганди», деб ёзилади ва Синан Пошонинг математика илмини чуқур ўрганганлиги, бу билан чекланмасдан Қозизода Румийнинг асарларига жавоб ёзганлиги ишора қилинади.

Маълумки, Қозизода Румий номи билан машҳур

бўлган Мусо Пошо илмий таҳсилнинг бир қисмини Самарқандда олади. Самарқанд илмий мактаби ўша даврда туркий халқлар орасида катта мавқега эга бўлган. Шунингдек, XV асрнинг сўнгги ярмида усмонли мадрасаларида ўқитилган риёзиёт дарслари Мирзо Улуғбек бошчилигида ташкил қилинган илмий мактабнинг Али Қўшчи воситасида усмонли давлатида давом эттирилиши эди.

Бу даврда бир қатор илмий соҳалар усмонли давлатида ривожланган бўлса-да, астрономия фани Али Қўшчининг Самарқанддан у ерга бориши билан мадрасаларда ўқитила бошланган. Али Қўшчидан кейин усмонли ўлкасида астрономия ва математика иллари ривожига энг кўп ҳисса қўшган олимлардан бири Мирим Чалабий номи билан шуҳрат қозонган Маҳмуд ибн Маҳмуддир. У Қозизода Румий билан Али Қўшчининг шогирди ҳисобланади. Математика, астрономия ва устурлобга доир асарлар ёзган бу астроном олим Султон Боязид II нинг топшириғи билан Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асарига «Дастурул-Амал ва Таҳрихул-Жадвал» номили форсча шарҳ ҳам ёзади.



Усмонли турк давлатида XV-XVI асрларда бир қатор мадрасалар ташкил қилинган, ҳам диний, ҳам дунёвий билимларга эга етук мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилган. Аммо усмонли турк давлатида астрономия соҳаси ривожига буюк астроном Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қўшчининг усмонлилар юртига кўчиб бориши билан боғлиқ.

Ана шундай аждоқларимиздан қолган илмий мерос, юксак салоҳиятнинг ҳозирги кунда Самарқанд давлат университети мисолида кўриш мумкин. Бугунги кунда бу қутлуғ даргоҳ нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон илм-фани ривожига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Самарқанд давлат университетининг Улуғбек олий мадрасаларининг муносиб вориси ва давомчиси эканлигининг тан олинishi тарихий ҳақиқатнинг тан олинishiдир.

Ш.ТЎХЛИЕВА, СамДУ хотин-қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси. Роҳила РУЗМАНОВА, СамДУ доценти.

Маънавият сабоқлари

Мен галдаги маошимдан хонтахта учун пул ажратиб, дам олиш кунларининг бирида уни сотиб олиш учун шаҳарга отландим. Ёғочбозор ёнидаги дўконда ёғоч қаравот, хонтахталар қатор тизилиб турарди. Бир хонтахтани танлаб, дўкондор билан нархни келишиб, пулини тўлаб ташқарига олиб чиқдим. Энди бу даҳмазани ортиб, олиб кетишга машина керак эди. Бу ерда оғир буюмлар сотилгани учун «юкхонаси» бор машиналар сон-саноқсиз эди. Мен «юкхонали» машиналардан бирининг олдига бориб, ҳайдовчига ниятимни айтдим.

Хонтахта

- Хонтахта олган эдим, шунга уйғача олиб борсангиз...-сўнг манзилни тушунтирдим.
- Ўттиз минг берасан,-деди дабдурустан бошига марғилон нусха дўппи кўндириб олган, соқоллари ўсиб, ёқимсиз қолга келиб қолган ўрта ёшлардаги эркак. Тўғриси, жажлим чиқиб кетди-ю, ўзимни босдим. Сўнг босиқлик билан дедим:
- Битта қирақаш тўртта йўловчини уч минг сўмдан манзилига олиб бориб ташласа, ўн икки минг сўм бўлади. Уйим шаҳар чеккасида ё туманда эмаску, масофа чиқса ўн километр чиқар, кейин битта хонтахта қанча юк босарди?
- Хоҳласанг шу,-деди кўрслик билан. Уни ховуридан туширишга кўзим етмади. Инсофини еб, буткул инсонийликдан чиққан бу ҳайдовчининг олдидан узоқлашиб, ранги униқиб, хира тортиб қолган «Волга»га яқинлашдим. Ҳайдовчи кексароқ киши экан. Кўзойнагини кўндириб олиб, аллақайси газетага кўз югуртираётганди. Очиғи, китоб ё газета ўқийдиган одамларни кўрсан, кўзларим қувониб, дилим яйраб кетади. Шу соҳада ишлаётганим учун ҳам кадримизга етадиган одамларга дуч келганда уларга нисбатан ҳурматим ошиб, яхши кўриб кетаман. Отахон билан сўрашиб, муддаога кўчдим. У мени кўриб, газетани буқлаб, йиғиштириб, чеккага қўйди-да, индамай гапларини тинглади, сўнг йўл кира нарҳини айтди. Тўғриси, бошим рангиб қолди. Бу одам боғи ҳайдовчи айтган пулдан беш минг сўм ошириб нарх қўйди. Бехос тилимдан шу сўз учиб кетди.

- Раҳмат. Мен сиз айтган пул билан таксида бемалол Тошкентга етиб оламан. Инсофингиз ҳам бор бўлсин-да?-шундай деб, тарвузим кўлтигимдан тушиб, ортимга ўгирилиб, қадам ташлаган ҳам эдим-ки, кекса ҳайдовчи машина эшигини очиб, ундан тушди.

- Менга қаранг, биродар, таксичилик ҳам мисоли бозордай гап. Мен айтган нархдан хафа бўлиб кетаверасизми? Мен нарҳни айтдим, сиз бироз камайтинг. Бозор-да, бу келиш-сак, кейин айтган манзинингизга олиб бориб ташлайман.

Юрагимда умид учқуни порлаб, тагин унга яқинлашдим.
- Бир савоб иш қилинг, отахон, айтган нархинингизнинг ярмини берсам бўладими?

- Унчаликмасда, энди, ёқилғи ҳам кўтарилган. Ҳаво билан юрганда-ку, сувтекинга олиб борардим-а?! Майли, савобдан гап очдингиз, яна «борим нима» қўшинг.

Мен тагин беш минг сўм қўшдим. Отахон бир нафас ўйланиб турди-ю, қани ортинг хонтахтангизни деб, машина бағажидан жой тайёрлашга киришди. Уйга кела-келгунча, отахон билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб келдик. У қизларини чиқариб, ували-жували бўлганини, нафақага чиққанини, бекор ўтирмаслик учун ҳар замонда машинасини юргизиб, уч-тўрт сўм чойчака ишлашини айтди. Менга очиғи, бу одамнинг ўзи ҳам, фазилатлари ҳам ёқди. Уни худди раҳматли бўвам ўрнида кўриб кетдим.

- Худо ўғил бермади. Лекин ўғил набираларнинг ҳисоби йўқ. Улар уйга келганда бағрим тўлиб қолади. Мана шу сиз, йўловчилар берган пулларга уларга атаб ширинликлар, кийим-бош ва бошқа буюмлар харид қилиб, келганида улашаман. Ҳа, ҳаёт шу экан, биродар...

Отахон мени уйғача келтириб, хонтахтани машина юкхонасидан олиб туширгач, унга мўлжалдаги пулни бердим. У синчиклаб, минг сўмликларни шошилмай санади-да, пулдан беш мингга ажратиб, ўзимга қайтарди. Мен ҳайрон бўлдим. Чунки у олаётган пул дастлаб мен қўйган нархга тенг эди.

-Уйлангансиз-а, сездим. Янги оилали одамсиз. Менга нафақам ҳам етиб ортди. Кейин савобдан гап очдингиз. Бунда хосият катта.

Кекса ҳайдовчи «Волга»сини ҳайдаб кетгач, мен хонтахтани уйга олиб кирдим. Шу куни кечгача кайфиятим кўтарилиб юрдим.

Умид АЛИ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

13 сентябрь
Фурқат ТОҶИЕВ – (1913-2001). Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Кимёгар олим. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.

15 сентябрь
Азамат ШАМСИЕВ – 1945 йилда Хатирчи туманида туғилган. Тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шуҳрат ҚЎШОҚОВ – 1943 йилда Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган. Фалсафа фанлари доктори.

Zarafshon
САМАРҚАНДЛИК
ЕСТНИК

МУАССИСЛАР:
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
10 641 нусхада чоп этилди. Бюджетта 518



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.
Газета "Зарафшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ё.МАРҚАЕВ.
Навбатчи: Х.ЭРНАЗАРОВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 1667009